



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

# TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



**THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

An international scientific and practical online conference on the topic  
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
TEACHING FOREIGN LANGUAGES  
(TSUL ICON - FLT)**

**Foreign languages department**

**Tashkent – 2021**

## ПАРАФРАЗЛАР ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Мусурмонов Тиловмурод,**ЎзДЖТУ магистранти**Умиров Ихтиёр Эргашевич,**ф.ф.н., доцент (ЎзДЖТУ)***DOI 10.5281/zenodo.4963290**

**Аннотация:** Ушбу мақолада тилнинг тасвирий воситаларидан бири парафразларнинг номланиши ҳақида бўлиб, уларнинг жаҳон тилшунослигидаги мавқеи ҳақидадир. Шунингдек, парафразларнинг рус ва ўзбек тилларидаги ўрганилганлик даражаси ҳам мумкин қадар аниқланди. Парафразлар асосан предметларга нисбатан қўлланилиб, уларнинг белги-хусусиятларини белгилашда энг муҳим омил эканлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** *парафраза, айланма (тасвирий) нутқ, перифраза, стилистик приём.*

Ўзбек тили давлат тили мақомини олгач, унинг ўқитилиши ва илмий тадқиқ этилишига жуда катта эътибор берилди. Чунки Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов айтганидек; “Она тилининг буйук аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради”<sup>1</sup>. Бинобарин, маънавиятимиз белгиси бўлган она тилимиздан – унинг турли-туман ифода воситаларидан кўп ва хўб фойдаланиш, шу воситаларнинг ҳали маълум бўлмаган томонларини, ўзига хосликларини очиб бериш ҳам илмий, ҳам амалий жихатдан муҳим аҳамиятга эгадир, бу давр талаби ҳамдир.

Тилимизнинг бойлигини яққол кўрсатиб турувчи, унинг ифода воситаларидан бири бўлган парафраза муаммоси на шу кунгача алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Аммо парафраза ҳақида, унинг тил ва нутқдаги ўрни ҳақида оз бўлса-да, муайян фикрлар учраб туради. Парафраза термини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли, -Тошкент, 1992. -71-бет.

тилшуносликда турлича талкин қилинади. Шунга кўра кўйида айтилган терминнинг луғатларда берилши ва изоҳи билан танишиб чиқамиз:

Профессор О.С. Ахманова лингвистик терминлар луғатида ушбу терминни парафраза тарзида (шаклида) қўллади ва изоҳлайди: “1. Описательное выражение. 2. Троп, состоящий в замене обычного слова (простого обозначения некоторого предмета одним словом) описательным выражением<sup>2</sup>.” Демак, ишда парафразаларга отатдаги сўзни тасвирий ифода билан алмаштирувчи кўчим сифатида қаралади.

Д.Э. Розенталь ва М.А.Теленковаларнинг луғатида эса ушбу термини “парафраз ва парафраза” тарзида берилди ва шундай изоҳланади: “выражения или слова. Пишущий эти строки (вместо “я” в речи автора) 2. Троп, состоящий в замене названия лица, предмета или явления описанием их характерные черты. Царь зверей (вместо “лев”)<sup>3</sup>”. Демак, парафраза муайян предметнинг номи ўрнида қўлланиб, унинг муҳим жиҳатларини, жумладан: белгисини, характерини ва хусусиятини ўзида акс эттирувчи кўчимдир.

“Школьный словарь иностранных слов” луғатида бу терминни перифраза тарзида берилди. Ушбу термин грекча periphrasis сўзидан олиниб, “Околная речь”, яъни “айланма (тасвирий) нутқ” деган маънони билдириши айтилади<sup>4</sup> Демак. Парафраза фикрни тўғридан-тўғри, бевосита эмас, балки бавосита-тасвирий ифодалаш эканлиги қайд этилади.

Хуллас рус тилшунослигида – ўзбек тилига оид тадқиқотларда, жумладан, “Ўзбек тили стилистикаси” дарслигида қайд этилган термин перифраз тарзида ишлатилади ва кўйидагича изоҳ берилди.

---

<sup>2</sup> Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов. М, 1969 С.312. Выражение явлющееся описательной передачей смысла другого

<sup>3</sup> Розенталь Д.Э., Теленкова М.А, Словарь-справочник лингвистических терминов. М., 1976, -С. 270

<sup>4</sup> . Одинцов В.В., Смолицкая Г.А. Школный словарь иностранных слов. М., 1983.-С. 128-129.

“Русча-ўзбекча луғат” да эса, бу термин парафраза берилиб, шундай изоҳланади: “парафраза 1. Лит.бирор асар мундарижасини, маъносини бошқа сўзлар билан айтиб бериш; 2. Муз. бошқа мусиқий асардан ёки халқ куйларидан олиб ишланган енгил, шўх асар ёки пьеса”<sup>5</sup>. Кўринадики, парафраза муҳим, фаол қўлланадиган тушунчалардан қатъий ўрин олган.

“Кишиларнинг отларини ёки бошқа предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар воситасида баён қилиш перифраз дейилади. Бу термин перифраза, парафраза, парафраз деб ҳам юритилади”<sup>6</sup>.

Профессор А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да эса ушбу термин парафраза шаклини олади ва “Нарса”, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодаланадиган стилистик приём. Мас. дала маликаси (маккажўхори), революция бешиги (Ленинград) каби”<sup>7</sup> деб изоҳланади.

Хуллас, умумтилшунослик нуктаи назарида айни термин парафраза, парафраз, перифраз каби вариантларда қўлланади ва нутқнинг таъсирчан ифода воситаларидан бири эканлиги қайд этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент, Ўзбекистон. 1992. -71-бет.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М, 1969 С.312.
3. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А, Словарь-справочник лингвистических терминов. М., 1976, -С. 270.

<sup>5</sup> Розенталь Д.Э., Теленкова М.А, Словарь-справочник лингвистических терминов. М., 1976, -С. 270.

<sup>6</sup> Одинцов В.В., Смолицкая Г.А. Школьный словарь иностранных слов. М., 1983.- С. 128-129.

<sup>7</sup> Русча-ўзбекча луғатча (Русско-узбекский словарь), 11 том. П-Я-Т.1984, -16-бет.



4. Одинцов В.В., Смолицкая Г.А. Школьный словарь иностранных слов. М., 1983. – С. 128-129.
5. Русча-ўзбекча луғатча. 11 том. П-Я-Т.1984, -16-бет.